

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АТАКУЛОВА НАРГИЗАХОН АЛИЖОНОВНА

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ИЛМий ДУНЁҚАРАШНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижа**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
philosophy(PhD) on pedagogical sciences**

Атакулова Наргизахон Алижоновна

Таълим жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш
тизими.....3

Атакулова Наргизахон Алижоновна

Система формирования научного мировоззрения у учащихся в образовательном
процессе23

Atakulova Nargizakhon Alijonovna

The system of formation of pupils' scientific outlook in the educational process.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АТАКУЛОВА НАРГИЗАХОН АЛИЖОНОВНА

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped11 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акрамов Абдумалик Абдумуталович
педагогика фанлари доктори

Раҳматова Хайрихон Аширалиевна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Х.Ё.Нажмиддинова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Эркабоева

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д.

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “сифатли таълим олиш ва ижодий қобилиятни рағбатлантириш”¹ долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бу эса таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий ва танқидий тафаккурини ривожлантириш, ўқувчиларда илмий дунёқарашни таркиб топтиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришнинг замонавий педагогик ёндашувларини аниқлаштиришни тақозо этмоқда. Айниқса, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг креатив компонентларига устуворлик бериш, инновацион ёндашувлар асосида уларда оламнинг илмий манзарасини яхлит идрок этиш малакаларини таркиб топтиришга алоҳида эҳтиёж мавжуд.

Дунёда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришнинг менторлик тизимини такомиллаштириш, илмий изланишли фаолиятга аксиологик муносабатни қарор топтиришга доир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг танқидий ва ижодий тафаккурини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш, прагматик педагогиканинг устувор йўналишлари ва ғоялари асосида таълим олувчиларда илмий-инновацион фикрлашни шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур заруратдан келиб чиқиб, таълим жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштириш, илмий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик-психологик, ёш ва гендер хусусиятларини аниқлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Республикамизда замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, умумтаълим мактабларининг ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларини халқаро талаблар асосида янгилаш, иқтидорли ўқувчиларнинг билимларини эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Президент мактаблари”ни ташкил этиш бўйича қатор ташаббус ва ғоялар илгари сурилмоқда. Шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган синергетик таълим муҳитини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”² вазифалари белгилаб берилди. Бу эса, таълимни ахборотлаштириш шароитида ўқувчиларда илмий дунёқарашни

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

шакллантиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3304-сон Қарори, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда шахс дунёқарашининг методологик асослари, унинг жамият ҳаёти ва шахс маънавиятини ривожлантиришдаги ўрнига оид масалалар юртимиз олимлари Ҳ.Бобоев, М.Имомназаров, Э.Каримов, И.Мўминов, М.Маҳмудов, Қ.Назаров, Р.Сафарова, Ж.Туленов, М.Хайруллаев, З.Ғофуров, Э.Ғозиев, Э.Юсупов тадқиқотларида, ўқувчиларнинг нуқтаи назарлари ва дунёқарашларини таркиб топтириш, ўқитувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш масалалари У.Нишоналиев, таълим жараёнида яхлит нуқтаи назарни шакллантириш Р.Аҳлидинов илмий ишларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида В.Ильин, В.Кумарин, И.Кулагина, Л.Лузина, Б.Ломов, А.Петровский, А.Усовалар томонидан ўқувчиларда илмий тушунчалар ва илмий дунёқараш шаклланишининг психологик асослари, шахснинг ўз-ўзини англаши ва нуқтаи назарларининг ривожланиши масалалари ёритилган. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари В.Андреев, В.Букин, С.Бакулевская, О.Газман, В.Данюшенков, Т.Ильина, А.Леонтьев, А.Мудрик, Ю.Орлов, В.Сластенинлар томонидан тадқиқ қилинган.

Хорижий давлатларда шахс психологияси ва дунёқарашининг субъектив асослари С.Гессен, И.Кон, фахр ва етуклик муаммоси Ф.Кадол, В.Франкл, Л.Фридман каби олимлар томонидан ўрганилган.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, уларда илмий тушунчалар ва илмий дунёқараш шаклланишининг психологик асослари, шахснинг ўз-ўзини англаши ва ўз нуқтаи назарларининг ривожланиши масалалари бўйича илмий изланишлар олиб

борилган бўлсада, аммо ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришни такомиллаштириш масаласи етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-1-31247- рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” (2012–2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш функцияларининг синергетик тафаккур ва фалсафий-антропологик ёндашув билан алоқадорлигини аниқлаштириш;

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш интеллектуал ва хиссий-эмоционал компонентларининг намоён бўлишини асослаш;

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш;

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 5-9 синф ўқувчиларида илмий дунёқарашни шакллантириш жараёни танлаб олиниб, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилояти мактабларининг 1084 нафар респондент-ўқувчиси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, сўровнома, тест, суҳбат, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ташкилий ва башоратловчи функциялари фикрлашнинг синергетик услубини (ўз-ўзини ривожлантириш, соғлом эътиқод) ва фалсафий-антропологик ёндашув тамойиллари (онтологик, диалогизм, креативлик) билан интеграциясини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг интеллектуал ва хиссий-эмоционал компоненти вербал англаш асосида юзага келадиган нуқтаи назар, мулоҳазалар синтези сифатида баҳолаш объекти ва натижалари тарзида ёрқин намоён бўлиши асосланган;

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг дидактик тизими тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг назарий фикрлаш билан алоқадорлигини таҳлил этиш, илмий далилларни эмпирик исботлаш, қатъий

ишонч ва эътиқоднинг шахснинг мотивацион-иродавий хусусиятлари билан бевосита уйғунлигини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш технологияси ихтирочиликка доир вазифаларни ҳал этиш назарияси (ТРИЗ педагогикаси) ва алгоритмининг (АРИЗ педагогикаси) креативликнинг шаклланишига тўсқинлик қилувчи контрсуггестив, тезаурус ва интеракцион омилларни бартараф этишга йўналтирилган коррекцион компонентини модификациялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга доир интеллектуал фаолиятни ташкил этишнинг дидактик параметрлари аниқланган;

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик тизими такомиллаштирилган;

инновацион таълим муҳити шароитида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот методологик базасининг таъминланганлиги, расмий манбалардан олинган назарий ва амалий маълумотлардан фойдаланилганлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга оид қарашлар, назариялар, шунингдек, ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг функциялари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ташкилий, башоратловчи), дидактик (илмий асослар, мантиқийлик, аниқ далилларга асосланиш), тарбиявий (шахсий нуқтаи назарни шакллантириш, қатъий ҳаётий позиясини эгаллаш) шарт-шароитларининг аниқланганлиги, дидактик вазиятларни яратиш, мотивацияни ҳосил қилиш, интеллектуал фаолиятни ташкил этиш йўллариининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг интеллектуал, ҳиссий-эмоционал ва амалий фаолият тажрибаси компонентларининг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш босқичларининг лойиҳалаштирилганлиги, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш шакл, метод ва воситаларининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга доир таклиф ва тавсиялардан ўқитувчилар, малака ошириш курслари тингловчилари фаолиятини такомиллаштириш, умумий ўрта таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий

ривожланишларини янги босқичга кўтариш ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш тизими бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш функцияларининг синергетик тафаккур ва фалсафий-антропологик ёндашув билан алоқадорлигини аниқлаштиришга доир таклифлардан умумтаълим фанлари бўйича малака талабларига мувофиқ ўз-ўзини ривожлантириш таянч компетенциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 19 сентябрдаги 01-02-386-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклифлар умумтаълим фанларидан янги авлод дарсликларини яратишда илмий далилларни тизимли структуралаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг интеллектуал ва хиссий-эмоционал компоненти вербал англаш асосида юзага келадиган нуқтаи назар, мулоҳазалар синтези сифатида намоён бўлиши ҳамда ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Ф1-ХТ-1-31247 рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” (2012-2016 йй.) номли лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 19 сентябрдаги 01-02-386-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга доир ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш технологиясини ихтирочиликка доир вазифаларни ҳал этиш назарияси (ТРИЗ педагогикаси) ва алгоритми (АРИЗ педагогикаси) асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан Ф1-ХТ-1-31247 рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” (2012-2016 йй.) лойиҳаси доирасида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг локал-модулли технологиясини ишлаб чиқишда назарий ва амалий материал сифатида фойдаланилган (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2019 йил 19 январдаги 89-03-229-сон маълумотномаси). Натижада ўқув портфолиоси, “Сабаб, далил ва натижа”, “Идеал”, “Белгилар занжири”, “Позиция, асос, мисол, натижа (ПАМН)” интерфаол методларини қўллаш асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 2008–2018 йиллар давомида 5 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий матни 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг фалсафий-педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг фалсафий-педагогик, шунингдек, дидактик-психологик асослари ёритиб берилган.

Инсон моҳияти унинг шахсий нуқтаи назарида акс этади. Нуқтаи назар инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворида акс этган қарашлари, у амал қиладиган тамойиллардир. Инсон ўз нуқтаи назари сифатида муайян фикрни баён қилар экан, билим ва тажрибаларининг ошиши натижасида ўз позициясини ўзгартириши, такомиллаштириши мумкин. Шу маънода нуқтаи назар мунтазам ривожланиш характериға эға. И.Коннинг таъбирича, нуқтаи назар жараён иштирокчиларидан бирининг қатъий фикридир. Нуқтаи назарнинг қарор топиши баробарида ўқувчиларнинг хулқ-атворлари ва фаолиятлари ойдинлашади. Нуқтаи назар ўқувчининг муайян масалаға оид етакчи, уйғунлашган асосий фикридир. Бунда ўқувчи нафақат билиш жараёни, балки амалий фаолият субъекти сифатида ҳам намоён бўлади. Чунки ўқувчиларнинг нуқтаи назарлари уларнинг мавжуд воқеликка нисбатан муносабатларини ифодалайди.

Нуқтаи назар ҳақида Е.В.Коротаева, Н.Е.Щуркова, Р.Г.Гурова, Р.Сафарова, М.Қуроноф, З.Қурбонниёзова, Р.Медетова, Г.Акрамовалар ўз фикрларини баён қилганлар. Л.А.Григорьеваниннг таъбирича, ўқувчининг дунёқарашига хос бўлган нуқтаи назарлари унинг яхлит дунёқарашини ифодаловчи муҳим ҳолатидир.

Дунёқараш тамойиллар, нуқтаи назарлар, моддий борлиққа бўлган қатъий муносабатни аниқлаш усулларининг мужассамлашган шакли бўлиб, унинг ёрдамида шахсининг табиат ва жамиятга нисбатан қарашлари, нуқтаи

назарлари ифодаланади, у оламни идрок этади, жамиятдаги ўрнини англайди, ўзини ўраб турган моддий борлиқ ва ўз-ўзи ҳақидаги муносабати ифодаланади. Шунингдек, ўқувчи дунёқарашида жамият аъзоларининг ҳаётий нуқтаи назарлари, турмуш қоидалари, қатъийликлари, идеаллари, мақсадлари, билиш тамойиллари ва фаолияти, қадриятли йўналишлари билан боғлиқлиги ўз ифодасини топади. Шахснинг дунёқарашида унинг объектив борлиққа нисбатан маънавий амалий муносабат усули намоён бўлади.

Тўлиқ таркибга эга бўлган илмий дунёқараш бир қатор функцияларни бажаради. Жумладан: илмий дунёқарашнинг таълимий функцияси шундан иборатки, у ўқувчилар кўз ўнгида табиат ва жамиятга хос бўлган воқеа-ҳодисаларнинг тўлиқ намоён бўлишига имконият яратади; илмий дунёқарашнинг тарбиявий функцияси эгалланган нуқтаи назарлар, қарашлар, эътиқодларда намоён бўлади. Улар, ўз навбатида, инсонда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштиришни талаб қилади; илмий дунёқарашнинг ривожлантирувчи функцияси шундан иборатки, уни эгаллаш йўлидаги ҳаракатлар тафаккурнинг фаоллашувини таъминлаб, ўқувчиларни ижодкорликка, мойилликка, ҳодисалар ва ҳаракатларни ўзаро алоқадорликда ўрганишга ундайди. Натижада ўқувчиларда янги билимларни умумлаштириш, табиат ва жамият ҳодисалари устида ижодий фикрлаш кўникмалари ҳосил бўлади; илмий дунёқарашнинг ташкилий функцияси инсон амалий фаолиятида дастлабки мавқени эгаллашда намоён бўлади; илмий дунёқарашнинг башоратловчилик функцияси табиат ва жамиятга хос билимлар ва қонуниятларга таянади. Инсоннинг илмий-амалий фикрлашида муайян йўналишлар вужудга келади. Ижтимоий турмушни ривожлантириш тенденциялари бугунги кунда ўз келажagini яратиш ғоясининг вужудга келишини таъминлайди.


Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиладиган шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, уларга турли соҳадаги билимлар ва миллий-маънавий қадриятлар тақдим этилади ҳамда улар ёрдамида ўқитувчилар ўқувчиларни фикрлашга ундайдилар.

Ўқувчиларнинг дунёқарашлари қуйидаги учта таркибий қисмдан иборат бўлади: интеллектуал, ҳиссий-ихтиёрий ҳамда амалий ҳаракатли фаолият тажрибаси. Илмий дунёқараш объектив характерга эга. Унинг объективлиги шундаки, бунда ўқувчи ўз манфаатлари ва қизиқишларинигина ўйламайди. У кўпчилик манфаати йўлида ҳаракат қилади. Шунга кўра, ўқувчи ўз олдида аниқ мақсадлар қўяди ва шу мақсадга эришиш йўлида муайян ҳаракатларни амалга оширади.

Субъект-субъект муносабатлари доирасида ўқувчиларда илмий дунёқарашларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари тўлақонли тарзда шакллантирилади: аниқ мавжуд бўлган ҳолатлар; фаолият жараёнида ўқувчиларнинг ўзига боғлиқ бўлган ҳолатлар; ўқувчиларнинг имкониятларини ҳаракатга келтирувчи ҳолатлар. Бундай таъсирлар натижасида ўқувчилар фаол ҳаракат қила бошлайдилар. Ўқувчиларнинг

илмий дунёқарашлари ўқув жараёнининг шакллари ва мазмунига, баъзан эса ўқитувчининг фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади (1-расмга қаранг).

Мазкур босқичларнинг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.



1-расм. Ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг намоён бўлиш босқичлари

Илмий дунёқарашга эга бўлган ўқувчиларда мустақиллик билан бир қаторда, тадқиқотчилик, изланувчанлик, ижодкорлик кўникмалари ҳам кузатилади. Илмий дунёқараш нафақат ўқувчиларнинг ақлларини чархлайди, балки хиссиётларини ҳам тартибга солади. Ўқувчиларнинг қатъий нуқтаи назарга асосланган дунёқарашлари индивидуал, етакчи, танловга асосланган, анланган қатъий муносабатлар йиғиндиси бўлиб, у ўқувчиларнинг барқарор майллари, идеаллари, қизиқишлари, хиссий ҳолатларини ўзида мужассамлаштиради. Ўқувчиларнинг дунёқарашлари инсонпарварлик, йўналганлик, бошқарувчилик ва барқарорликка асосланган бўлиб, дунёқараш таркибида ўзаро фаол алоқадорликда амал қилади.

Назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни баҳолаш дунёқараш билан боғлиқдир. Ўқувчиларнинг назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни юксак даражада баҳолаш кўникмаси уларнинг нуқтаи назарлари барқарорлигидан далолат беради. Бунинг натижасида ўқувчилар учун аҳамиятли бўлган алоҳида нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти ойдинлашади. Шу тариқа ўқувчилар учун аҳамиятли бўлган нарсалар ва ҳодисалар уларнинг ўзлари учун кадриятга айланади.

Дунёқарашнинг таркибий қисмларидан бирортасининг ўзгариши унга сезиларли таъсир кўрсатади. Уларни яхлит тизим сифатида шакллантириш ўқув жараёнининг мақсадларидан биридир. Бунинг учун ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш ўқув жараёнининг асосий мақсади сифатида намоён бўлишига эришиш лозим.

Диссертациянинг “**Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг имкониятлари**”, деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари уларнинг дастлабки тадқиқотчилик кўникмаларини намоён қилувчи дидактик имконият эканлиги ва уларда илмий дунёқарашни шакллантириш жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳақида фикр юритилган.


Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини шакллантирувчи педагогик шароитлар тизими ўқитувчилар томонидан онгли тарзда лойиҳалаштирилади ва муайян дидактик мақсадни амалга оширишга йўналтирилган яхлит дидактик ҳодиса сифатида намоён бўлади (2-расмга қаранг). Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш орқали уларни билимлар оламига олиб кириш имкониятлари кенгайди. Ўқувчилар тадқиқотчилик фаолиятлари жараёнида эгаллаган билимлар мустаҳкам ва чуқур анлангандир. Улар ёрдамида ўқувчилар онгида оламнинг илмий манзараси аниқ акс этади. Ўқув вазиятларини ташкиллаштиришга хизмат қиладиган, ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш имконини берадиган педагогик технологияларни аниқлаш ва татбиқ этиш натижасида уларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини самарали ташкил этиш мумкин.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини йўлга қўйиш ўқув-билув жараёнида уларнинг билиш фаолиятларини ташкил этиш усулларида бири сифатида намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари уларнинг лойиҳалаш ва изланувчилик кўникмаларида намоён бўлади. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари ўқув фаолиятининг энг юқори кўриниши бўлиб, билиш фаолиятининг таркибий қисми сифатида кўзга ташланади. Унинг ёрдамида ўқувчилар муайян изланишларни амалга ошириш ва янгидан-янги билимларни ўзлаштириш, натижада муайян касбий йўналишга эга бўлиш имкониятига ҳам эришадилар. Ўқувчилар тадқиқотчилик фаолияти давомида ўз ишлари натижаларини асослаш орқали чуқур назарий билимларни ўзлаштирганликлари, ўз нуқтаи назарларини исботлаш кўникмаларига эгаликларини ҳам намоён этадилар. Бу жараёнда улар ўзлаштирган билимларининг мантикий асосга эгалиги ва ишончлилигини ҳам исботлашга эришадилар. Шу билан бир қаторда, уларда янги билимларни ўзлаштириш ва мазкур билимлар устида чуқур фикрлаш майллари ҳосил бўлади.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари босқичма-босқич ривожланиш характерида эга.

Биринчи босқич дарси назарий-экспериментал вазият ҳосил қилишдан иборат бўлиб, бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятига қизиқишларини кучайтиришга ҳаракат қилади. Ўқувчилар тадқиқотчиликнинг ўқув фаолияти муваффақиятини таъминлашдаги аҳамиятини англаб этади.



2-расм. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик ТИЗИМИ

Иккинчи босқичда қисман изланиш характериға эға бўлган тадқиқотчилик вазияти вужудға келади. Мазкур босқичда қуйидаги вазифаларни амалға ошириш талаб этилади: билимларни ўзлаштиришда тарихийлик тамойилиға амал қилиш; ўқувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ривожлантириш; билимларни ўзлаштиришда ички интилишни вужудға келтириш; ўқувчиларни амалий фаолиятға қизиқтириш кабилар.

Учинчи босқич эса изланишға асосланган тадқиқотчилик вазиятидир. Бунда ўқувчилар ноаниқ мазмунға эға бўлган тадқиқотчилик фаолиятини амалға оширадилар. Натижада ўқувчиларда мавжуд бўлган тадқиқотчилик кўникмалари индивидуал тарзда намоён бўлади. Улар илмий ҳодисаларға ҳаққоний баҳо бериш кўникмасини эғаллайдилар. Келажакда муайян илмий тажрибаларни амалға ошириш учун ўз олдига мақсадлар қўядилар ва шу мақсадға эришиш йўлида ҳаракат қиладилар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этишда қуйидаги қийинчиликлар кузатилди: интеллектуал характердаги қийинчиликлар; тажрибаға оид қийинчиликлар; техник характердаги қийинчиликлар; намоиш қилишға оид қийинчиликлар; шахслараро мулоқот жараёнидаги қийинчиликлар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш жараёниға ўқитувчининг технологик жиҳатдан ёндашиши муҳимдир. Тадқиқот натижалари асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда ихтирочилик вазифаларини ҳал этиш назарияси (ТРИЗ педагогикаси) ва алгоритми (АРИЗ педагогикаси)ни ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий-илмий фанларни ўқитишда қўллаш муҳим аҳамиятға эға, деган хулосаға келинди.

Ихтирочилик вазифаларини ҳал этиш назарияси (ТРИЗ педагогикаси) муаммоларни ҳал этиш мақсадида инновацион ечимлар ишлаб чиқишнинг амалий методлари, воситалари, маълумотлар базаси ва моделға асосланган технологияларни ўз ичига олади. Муаммони ҳал қилишда тизимли таҳлил қилиш, тизимни ривожлантириш моделларидан фойдаланилади. Ихтирочилик вазифаларини ҳал этиш алгоритми (АРИЗ педагогикаси) қарама-қаршилиқларни аниқлаш ва ҳал қилиш орқали ихтирочилик ечимларини излашға алгоритмик ёндашув бўлиб, қарама-қаршилиқлар матрицасининг ўрниға ишлатиладиган “ихтирочилик стандартларини ҳал этиш тизими”ни ўз ичига олади.

Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришға доир ихтирочилик вазифаларини ҳал этиш назарияси (ТРИЗ педагогикаси) ва алгоритми (АРИЗ педагогикаси)ға асосланган қуйидаги интерфаол методлар таълим амалиётиға татбиқ этилди:


1. Ўқув портфолиоси – ўқувчиларни турли манбалар билан ишлаш, улардан ахборотларни тўплаш, таҳлил этиш воситаси. Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлардан турли манбалар ахборотларидаги қарама-қаршилиқларни аниқлаш ва тўғри илмий хулосалар чиқариш учун ишлар портфолиоси кутилган самарани бериши аниқланди.

2. “Сабаб – далил – натижа” методи. Бу метод кичик тадқиқотларни ўтказиш учун сабаб ва таъсир муносабатини аниқлаш имконини беради. Бу метод янги мавзуни тушунтириш босқичида самарали бўлади, у ўқувчига истиқболни кўриш ва воқеликнинг кейинги йўналишини башоратлашга имкон беради, ўқув материаллари бўйича уй вазифаларини мустақил бажаришга кучли мотивация ҳосил қилади.

3. “Идеал” методи. Бу танқидий фикрлашни ривожлантириш методи бўлиб, қуйидаги компетенцияларни шакллантиришга имкон беради: муаммони аниқлаш; муаммони ҳал қилиш ва ечимини излаб топиш; натижавий ечимни танлаш.

4. “Белгилар занжири” методи. Мазкур метод кўриб чиқиладиган объектларнинг белгилари ва аломатлари бўйича ўқувчиларнинг билимларини янгилашга йўналтирилган. Шунингдек, когнитив (таққослаш, таҳлил қилиш ва синтез), бошқарув (ҳаракатлар режасини тузиш) қобилиятини шакллантириш учун мўлжалланган. Тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидаги шакллардан фойдаланилди: белгиларнинг номлари ва аҳамияти орқали объектни тавсифлаш; моделнинг муайян қисмларида маълум бўлмаган жиҳатларни аниқлаш; иш режасини тузиш.

Ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидан бири таълим жараёнида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари учун қулай шароит яратишдан иборат. Бундай вазиятларда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари тўла намоён бўлади, улар ижтимоий вазифаларни ўзлаштирадиган, бунинг натижасида эса таълим жараёнида самарали педагогик муҳит вужудга келади (3-расмга қarang).



3-расм. Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш омиллари

Диссертациянинг “Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлик даражаси” деб номланган учинчи бобида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда мазкур ишларнинг таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган тажриба-синов ишлари Андижон шаҳридаги 20-, 22-сонли, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 40-, 41-сонли ҳамда Тошкент вилояти Юқори Чирчик туманидаги 23-, 27-, 41-сонли умумтаълим мактабларида амалга оширилиб, уларда жами 42 нафар фан ўқитувчилари ва 1084 нафар ўқувчилар респондентлар сифатида иштирок этдилар.

Тажриба-синов ишлари жараёнида анкета, мустақил ишлар, рефератлар ёздириш, матн тузиш, матнни лойиҳалаш, савол-жавоб каби методлардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар илмий дунёқарашларининг шаклланганлик даражаси аниқланди. Бу қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган: (1-жадвалга қarang).

1-жадвал

Ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси

Даражалари	Ахборотли-баҳоловчи		Амалий		Башоратловчи	
	Тажриба синфи	Назорат синфи	Тажриба синфи	Назорат синфи	Тажриба синфи	Назорат синфи
Юқори	259	166	252	178	243	170
Ўрта	198	200	192	196	195	197
Паст	76	185	89	177	95	184
Жами	533	551	533	551	533	551

Ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси қуйидаги мезонлар бўйича аниқланди:

ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари заминида уларнинг нуқтаи назарлари, танловлари, ўзига хосликлари, етакчи имкониятлари, онглилик даражалари, баҳоловчи муносабатлари, объектив қонуниятларни тушуниш кўламлари, барқарор майллари, мақсадлари, қизиқишлари ҳамда ҳиссий, интеллектуал қувватларининг ифодаланганлиги;

- илмий ҳодисаларни таҳлил қила олиши;
- илмий тушунчаларни таснифлай олиши;
- назарий маълумотларни умумлаштира олиши;
- ўқув-билув жараёнида ўқитувчиларни диққат билан тинглай олиши;
- илмий ҳодисаларни кузатиш кўникмасига эгалиги;
- турли манбалардан илмий ахборотларни излаб топа олиши;
- кичик тадқиқотлар ўтказа олиши;
- саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб бера олиши;
- ўқув мавзуси билан боғлиқ ҳолда муайян саволлар туза олиши;
- илмий далиллар ва ҳодисаларни баҳолай олиши;
- муайян мавзуда ёзиладиган реферат режасини туза олиши;
- ўз фаолиятларини лойиҳалай олиши;
- кичик иншолар, рефератлар, мулоқот матнлари ярата олиши;
- ўз ўқув фаолиятларини ёритувчи кундалиқлар туза олиши;

- атрофдагилар, синфдошлари ва ўқитувчилари билан маданий мулоқот ўрнатиш кўникмасига эга бўлиши.

Тажриба-синов ишларининг натижалари юқоридаги мезонлар бўйича математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажриба синфидаги 533 нафар ва назорат синфидаги 551 нафар ўқувчининг ўзлаштирганлик даражалари Стъудент мезони ва Нейман ғояларига асосланган ҳолда статистик таҳлил қилинди. Тажриба ва назорат синфларидаги ахборотли баҳоловчи босқич натижалари қуйидаги жадвалларда акс этирилди (2-, 3-жадвалларга қаранг):

2-жадвал

Ўқувчиларда тажриба боши ва якунидаги натижалар асосида илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси

	Синфлар	Сони	Даражалари		
			юқори	Ўрта	паст
Тажриба бошида	Тажриба синфи	533	160	195	178
	Назорат синфи	551	165	198	188
Жами		1084	325	393	366
Тажриба якунида	Тажриба синфи	533	259	201	73
	Назорат синфи	551	166	200	185
Жами		1084	425	401	258

3-жадвал

Ўқитувчиларда тажриба боши ва якунидаги натижалар асосида илмий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси

Синфлар	Сони	Даражалари		
		юқори	ўрта	паст
Тажриба якунида	42	24	16	2
Тажриба бошида	42	13	12	17


Ўтказилган тажриба-синов натижалари ва шакллантирувчи босқич натижалари асосида ўқувчиларилмий дунёқарашининг шаклланганлик даражасини ва ўқитувчиларнинг илмий дунёқарашини, уни шакллантиришга оид педагогик маҳоратларни аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришлар Стъудент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди. Тажриба-синовда 1084 нафар ўқувчи ҳамда 42 нафар ўқитувчи қатнашди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажрибадан кейин ўқитувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса тажрибадан олдин ўқитувчилар билимининг ўртача баллари, шунингдек, ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфидаги ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай


фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадваллар асосида ўқувчиларнинг тажриба боши ва якунида тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштириши ҳамда ўқитувчиларнинг тажрибадан кейинги ва тажрибадан олдинги самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланди.


Бу кўрсаткичларга мос диаграммалар қуйидагича кўринишга эга бўлди (4-, 5-, 6-расмларга қаранг):



4-расм. Тажриба бошида ўқувчиларда



5-расм. Тажриба якунида ўқувчиларда



6-расм. Ўқитувчиларнинг тажрибадан аввал ва тажрибадан кейинги кўрсаткичлари

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланди:

Ўқувчиларда:

Бизга маълумки, $\bar{x} = 2,36$; $\bar{y} = 1,96$; $\Delta_x = 0,06$; $\Delta_y = 0,07$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,36 - 0,06}{1,96 + 0,07} = \frac{2,3}{2,03} = 1,13 > 1;$$

$$K_{\text{об}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,36 - 0,06) - (1,96 - 0,07) = 2,3 - 1,89 = 0,41 > 0.$$

Ўқитувчиларда:

Бизга маълумки, $\bar{x} = 2,52$; $\bar{y} = 1,91$; $\Delta_x = 0,18$; $\Delta_y = 0,25$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,52 - 0,18}{1,91 + 0,25} = \frac{2,34}{2,16} = 1,08 > 1;$$

$$K_{\text{об}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,52 - 0,18) - (1,91 - 0,25) = 2,34 - 1,66 = 0,68 > 0.$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба якунидаги ўзлаштириш тажриба бошидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Тажриба-синов ишлари натижалари таълимий босқичда ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 26 фоизга ошганлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. Дунёқараш тамойиллар, нуқтаи назарлар, моддий борлиққа бўлган қатъий муносабатни аниқлаш усуллариинг мужассамлашган шакли бўлиб, унинг ёрдамида шахсинг табиат ва жамиятга нисбатан қарашлари, нуқтаи назарлари ифодаланади, у оламни идрок этади, жамиятдаги ўрнини англайди, ўзини ўраб турган моддий борлиқ ва ўз-ўзи ҳақидаги муносабати ифодаланади.

2. Фикрлашнинг синергетик тафаккур услуби ва фалсафий-антропологик ёндашув тамойиллари асосида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг қуйидаги функциялари аниқлаштирилди: таълимий – ўқувчилар кўз ўнгида табиат ва жамиятга хос бўлган воқеа-ҳодисаларнинг тўлиқ намоён бўлиши; тарбиявий – эгалланган нуқтаи назарлар, қарашлар, эътиқодлар мажмуи, ахлоқий сифатларни ўзлаштириш; ривожлантирувчи – тафаккурнинг фаоллашувини таъминлаб, ўқувчиларни ижодкорликка, мойилликка, ҳодисалар ва ҳаракатларни ўзаро алоқадорликда ўрганишга йўналтириш; ташкилий – инсон амалий фаолиятида эътиқоднинг дастлабки мавқени эгаллаши; башоратловчи – табиат ва жамиятга хос билимлар ва қонуниятларга таяниш орқали воқеликни тасаввур этиш.

3. Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашни қуйидаги учта таркибий қисмдан иборат: интеллектуал, ҳиссий-ихтиёрий ҳамда амалий ҳаракатли фаолият тажрибаси. Мазкур таркибий қисмлардан интеллектуал ва ҳиссий-эмоционал компонент муҳим аҳамиятга эга бўлиб, вербал англаш асосида юзага келадиган нуқтаи назар, мулоҳазалар синтези сифатида баҳолаш объекти ва натижаларини ўзида акс эттириши аниқланди.

4. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёни ўзининг муайян босқичларига эга бўлиб, бу босқичларда эгалланган амалий тажрибалар, назарий билимлар ва мантиқий фикрлаш

даражаларига таянган ҳолда уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган дидактик тизим тақдим қилинади. Ўқувчиларда шаклланган илмий дунёқарашнинг ҳар бир муайян даражаси ўзининг аниқ белгиларига эга бўлиб, улар таълим олувчилар илмий дунёқарашининг мунтазам тарзда бир босқичдан иккинчисига ўтиб узлуксиз ривожланишини таъминлайди.

5. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари босқичма-босқич ривожланиш характерига эга бўлиб, биринчи босқич назарий-экспериментал вазият ҳосил қилишдан иборат бўлиб, бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятига қизиқишларини кучайтиришга ҳаракат қилиши; иккинчи босқичда қисман изланиш характерига эга бўлган тадқиқотчилик вазиятини вужудга келтириш; учинчи босқич эса изланишга асосланган тадқиқотчилик вазияти яратилиши талаб этилади.

6. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш жараёнига ўқитувчининг технологик жиҳатдан ёндашиши муҳимдир. Тадқиқот натижалари асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда ихтирочилик вазифаларини ҳал этиш назарияси (ТРИЗ педагогикаси) ва алгоритми (АРИЗ педагогикаси)ни ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий-илмий фанларни ўқитишда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларнинг изланишли-тадқиқий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

7. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари натижалари таълимий босқичда ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 26 фоизга ошганлигини кўрсатди. Бу эса ўқувчиларда илмий дунёқарашни ривожлантиришнинг виртуал ва креатив таълим технологияларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

ТАВСИЯЛАР

1. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида “Мантиқ” фан тўғраригини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

2. Халқаро баҳолаш дастурларига асосланган когнитив ва креатив ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш ва умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида кенг қўллаш лозим;

3. Ўқувчиларнинг иқтидори ва қобилиятини узлуксиз ривожлантириб бориш мақсадида фан, технология, муҳандислик, санъат, математика фанларини чуқур ўрганишга асосланган (STEAM) усулни жорий этиш зарур;

4. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришда ўқитувчининг касбий нуқтаи назари муҳим ўрин тутиб, малака ошириш курслари ўқув режасига “Илмий дунёқараш ва виртуал реаллик” ўқув модулини киритиш мақсадга мувофиқ;

5. “Баркамол авлод” болалар марказларида “Инновацион ғоя ва сунъий интеллект” йўналишида тўғрақлар фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.2.11.2018.Ped.76.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

АТАКУЛОВА НАРГИЗАХОН АЛИЖОНОВНА

**СИСТЕМА ФОРМИРОВАНИЯ НАУЧНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ У
УЧАЩИХСЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Наманган – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/Ped11.

Докторская диссертация выполнена в научно-исследовательском институте педагогических наук Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.namdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Сафарова Рохат Гайбиллаевна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Акрамов Абдумалик Абдумуталович**
доктор педагогических наук

Рахматова Хайрихон Аширалиевна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Кокандский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.28.09.2018.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчинская, дом № 316, Тел.: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирован по № ____). (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, дом № 316, Тел.: (+998)69-227-29-81.)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2019 года).

Т.Файзуллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Х.Ё.Нажмиддинова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.Ш.Эркабоева
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке в мировом масштабе образование признано основным фактором обеспечения устойчивого развития; в концепции международного образования, рассчитанной до 2030 года, в качестве актуальных задач определены “получение качественного образования и стимулирование творческих способностей”.¹ Это, в свою очередь, требует определения современных дидактических параметров развития творческого и критического мышления учащихся в образовательном процессе, совершенствования инновационных технологий установления научного мировоззрения у учащихся. Имеется особая необходимость в придании приоритетности креативным компонентам формирования научного мировоззрения у учащихся, установлении на основе инновационных подходов умений целостного восприятия научной картины мира.

В мире проводится ряд научных исследований по совершенствованию менторской системы формирования научного мировоззрения учащихся, установлению аксиологического отношения к научно-исследовательской деятельности. Вместе с тем особое внимание уделяется совершенствованию технологии развития критического и творческого мышления учащихся, а также механизмов формирования научно-инновационного мышления у получающих образование на основе приоритетных направлений и идей прагматической педагогики. Исходя из данной необходимости, актуальное значение приобретают совершенствование дидактической системы формирования научного мировоззрения у учащихся в образовательном процессе, определение педагогико-психологических, возрастных и гендерных особенностей формирования научного мировоззрения.

В нашей стране в целях повышения качества образования на основе современных требований, обновления на основе международных стандартов учебных программ, учебно-методической литературы общеобразовательных школ, создания необходимых условий для проявления таланта и овладения глубокими знаниями учащихся выдвигается ряд инициатив и идей по организации Президентских школ.

В настоящее время большое значение приобретает совершенствование синергетической образовательной среды, направленной на формирование научного мировоззрения учащихся. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по “стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

достижений в практику”.² Это показывает, что совершенствование дидактической системы формирования научного мировоззрения у учащихся в условиях информатизации образования приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента № ПП-3304 «О совершенствовании деятельности Министерства народного образования Республики Узбекистан» от 30 сентября 2017 года, № УП-5538 “О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народного образования” от 5 сентября 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4038 “О мерах по внедрению новых принципов управления народного образования” от 5 сентября 2018 года, в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 187 “Об утверждении Государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования” от 6 апреля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей стране проблемы, связанные с методологическими основами мировоззрения личности, его местом в жизни общества и развитии духовности личности, нашли свое отражение в исследованиях отечественных ученых Х.Бобоева, М.Имомназарова, Э.Каримова, И.Муминова, М.Махмудова, К.Назарова, Р.Сафаровой, Ж.Туленова, М.Хайруллаева, З.Гофурова, Э.Гозиева, Э.Юсупова, вопросы установления точки зрения и мировоззрения учащихся, формирования научного мировоззрения у учителей отражены в работе У.Нишоналиева, вопросы формирования целостной точки зрения в образовательном процессе раскрыты в научных трудах Р.Ахлидинова.

В странах Содружества независимых государств (СНГ) В.Ильиным, В.Кумариным, И.Кулагиной, Л.Лузиной, Б.Ломовым, А.Петровским, А.Усовой освещены вопросы психологических основ формирования научных понятий и научного мировоззрения у учащихся, самоосознания и развития точки зрения личности. Педагогические аспекты формирования научного мировоззрения у

²Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947«О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

учащихся исследовали В.Андреев, В.Букин, С.Бакулевская, О.Газман, В.Данюшенков, Т.Ильина, А.Леонтьев, А.Мудрик, Ю.Орлов, В.Сластенин.

В зарубежных странах субъективные основы психологии и мировоззрения личности изучили С.Гессен, И.Кон, проблему достоинства и совершенства - Ф.Кадол, В.Франкл, Л.Фридман.

Как показывает анализ, несмотря на то, что были проведены научные исследования по вопросам развития знаний, умений и навыков у учащихся, психологических основ формирования у них научных понятий и научного мировоззрения, развития самооценки и собственных точек зрения личности, однако в них не была исследована в достаточной степени проблема совершенствования формирования научного мировоззрения учащихся.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук по фундаментальному проекту Ф1-ХТ-1-31247. «Стратегия формирования навыков совместной деятельности у учащихся на основе дружеских взаимоотношений» (2012–2016 гг.).

